

# Росулуллоҳниң атири сепишлари ҳамда қандай гапиришлари

## баёни

﴿بَابُ مَا جَاءَ فِي تَعْطُرِ رَسُولِ اللَّهِ وَكَيْفَ كَانَ كَلَامُهُ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ﴾

[ Ўзбекча – Uzbek – أوزبکي ]

Абу Ийсо Мұхаммад ибн Ийсо Термизий

Таржимон: Абдуллоҳ Шариф

Нашрға тайёрловчи: Шамсиәддин Дағомий

2009 - 1430

islamhouse.com

# ﴿ بَابٌ مَا جَاءَ فِي تَعْطُرِ رَسُولِ اللَّهِ وَكَيْفَ كَانَ كَلَامُهُ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ﴾

« باللغة الأوزبكية »

أبو عيسى محمد بن عيسى الترمذى

ترجمة: عبد الله شريف

تحرير: شمس الدين درغامي

2009 - 1430

islamhouse.com

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

الحمد لله رب العالمين ولا عدوان إلا على الظالمين والصلوة والسلام على سيدنا محمد سيد المسلمين وإمام المتقيين وعلى آله وصحبه أجمعين.

Бу “шамоили муҳаммадия”дан бўлаётган дарсимиznинг ўн олтинчи қисми бўлиб, бунда иккита боб билан танишамиз иншааллоҳ!

( 33 ) باب ما جاء في تعطر رسول الله وفيه ( 7 ) أحاديث

**(33). Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг хушбўйликлар ишлатишларини баён этувчи боб.  
Бу бобда еттига ҳадис зикр қиласилар.**

216 – حدثنا محمد بن رافع وغير واحد قالوا حدثنا أبو احمد الزبيري ثنا شيبان عن عبد الله بن المختار عن موسى بن أناس بن مالك عن أبيه قال كان لرسول الله سكة يتطيّب منها

Мусо ибн Анас ибн Молик оталаридан ривоят қилиб айтадиларки: Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг атири учун хос идишлари бўлиб ундан ўзларига суртиб олардилар.

**Изоҳ:** Бу ҳадисдаги суккатун калимасини баъзилар атири идиии эмас, балки бир-бирига қўшилган хушбўй атиrlари бор эди. –деб ҳам шарҳлаган эканлар.

217 – حدثنا محمد بن بشار ثنا عبد الرحمن بن مهدي ثنا عزرة بن ثابت عن ثامة بن عبد الله قال كان أناس بن مالك لا يرد الطيب وقال أناس إن النبي كان لا يرد الطيب

Сумома ибн Абдуллоҳдан ривоят қилинади айтадиларки: Анас ибн Молик атирини рад қилмас эдилар. У киши "пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам атирини рад қилмас эдилар" дер эдилар.

**Изоҳ:** Яъни бирор у зотга атири ҳадия қилса дарров уни қабул қилар эканлар. Чунки атири кишининг руҳиятини қўтариб, ундан сиқилишларни кетказади. Шунинг учун баъзи уламолар рўза тутган ёш йигитга атири ишлатишни макруҳ деб эътиборга оладилар. Сабаби у атири йигитни руҳиятини қўтариб, унинг шаҳватини қўзгаб, аёлига яқинлик қилишига олиб боршии мумкин.

218 - حدثنا قتيبة بن سعيد ثنا ابن أبي فديك عن عبد الله بن مسلم بن جنديب عن أبيه عن ابن عمر قال: قال  
رسول الله ثلاث لا ترد الوسائل والدهن والبن

Ибн Умар розияллоху анҳудан ривоят қилинади айтадиларки: Ресулуллоҳ саллаллоҳ алайҳи васаллам уч нарсани қайтарилемайди: Ёстиқни, атирни ва сутни.-дедилар.

219 - حدثنا محمود بن غيلان ثنا أبو داود الخفري عن سفيان عن الجibriri عن أبي نصرة عن رجل هو الطفاوي عن أبي هريرة قال قال رسول الله طيب الرجال ما ظهر ريحه وخفى لونه وطيب النساء ما ظهر لونه وخفى ريحه

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади айтадиларки: Ресулуллоҳ саллаллоҳ алайҳи васаллам айтган эдилар: Эркакларнинг атирлари, ҳиди анқийдиган ранги эса кўзга ташланмайдиган бўлади. Аёлларнинг атирлари, ранги билинадиган, ҳидсиз бўлади.

**Изоҳ:** Саҳобаи киромларнинг даврларида атирлар бадан аъзоларига суркаладиган бўлган эди, масалан билак, бўйин, балдир ваҳоказо. Ва бу атирларнинг хушибўй ҳидлари ва ўзига хос ранги ҳам бўлар эди. Шу атирларнинг баъзилари, суркаган кишиниг ўзидан бошқаларга ҳам ҳиди таралиб етиб борса, бошқа турлари эса кишининг ўзида қолиб, бошқа бирвларга анқимайдиган бўлган. Ресулуллоҳ саллаллоҳ алайҳи васаллам шайтоннинг макр-ҳийлаларини яхши англаган, заиф инсоннинг шаҳватлар олдида, тез ва осонгина енгилиб қолишини билган зот, шайтоннинг умидини пучга чиқариб, унинг ўйларини беркитиб, умматларини фитна балоларига гирифтор бўлишиларидан озод қилиши мақсадида манабундай бебаҳо насиҳатларини тавсия этган эдилар. Балки бошқа ҳадисларда келишича: Мен сизларга аёллардан кўра каттароқ фитнани қолдириб кетмаяпман, Бани Исроилнинг илк фитнаси аёл зоти бўлган эди.- деган эдилар. Демак аёллар, ҳиди ўзларидан бирвларга анқимайдиган атирларни, ишлатишлари керак. Гарчи у атирларнинг ранги бўлса ҳам, чунки муслима аёллар баданларини номаҳрам кишилар олдиларида очмаганликлари учун, баданга суртилган атир-упалар, рангли бўлишида, бегона эркаклар учун ҳеч қандай фитнага сабаб бўлмайди. Мулла Али қори айтадиларки: “Аёлларнинг атирларидан мисол учун заъфарон, сандал, ҳина ва бошқалар . –деб . Сўнг айтадиларки: Шу ҳадиснинг ровийси Исо ибн Аруба айтадики: “Бу ҳадис, агар аёллар уйларидан ташқарига чиққанларидағина, манашундай ҳишматли ҳолда бўлишиларига буюради, аммо уйларидан эрларини олдида бўлсалар, ҳоҳлаганларича атирнинг турларини ишлатаверсинлар. Чунки аёл зоти хушибўй ҳиди таралиб турадиган атирни ўзига сепиб, эркаклар олдидан ўтса уларни фитнага солади. Ресулуллоҳ саллаллоҳ алайҳи васаллам аёл кишини бундай атирланиб, эркаклар олдидан ўтишидан қайтариб айтганларки: Қайсики аёл агар атир сепиб олган бўлса, биз билан хуфтан намозига ҳозир бўлмасин!”.

*Бу хуфтан намози -деган сўзларидан аёл киши бошқа намозларга атиrlаниб бориши мумкинлиги келиб чиқмайди. Балки хуфтан намозига келмасин дейшишларидан мақсад одатда аёллар хуфтан ва бомдод намозига келардилар. Чунки бу вақтлар қоронгү бўлибганлиги сабаб фитнага чалиниши ҳолатлари кам бўлади. Ва намоз ўқигандан сўнг фитнадан ўзларини йироқ тутиб уйларига ҳам эркаклардан аввал қайтар эдилар. Бундан ташқари уларнинг одатларида атир сепиши кўпроқ манашу вақтда бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Гап шундаки: Энг муҳими қайтарувдан бўлган мақсадни тўғри англамоқ керак. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи вассалламининг қайтарувларига қулоқ солмаган инсон эса, албатта осий бандалар қаторида саналиши аниқдир. Эркакларга келсак, улар ҳам эркаклик мижсолларига мунособ рангиз, ҳиди тарашиб турадиган атирлар ишлатишлари лозим. Бу исломнинг жуда пухта ва мукаммал таълимотига дикъат билан боқинг! Нақадар гўзал! худди касаллигига шифо топа олмаётган бемор учун малҳамдек. Аммо бизнинг замонамида аёллар атирлари ҳиди кучли анқийдиган бўлиб, эркаклар атирлари эса анқимайдиган бўлиб қолди. Оллоҳ таоло бундай фитналардан ўзи бизларни асрасин! Ва ҳақ ўйлдан адаштирмасин!*

220 – حدثنا علي بن حجر ثنا إسماعيل بن إبراهيم عن أبي نصرة عن الطفاوي عن أبي هريرة  
رضي الله عنه عن النبي مثله بمعناه

Бу ҳадис абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилиниб, аввалги ҳадис билан бир хил маънода экан.

221 – حدثنا محمد بن خليفة وعمرو بن علي قالا ثنا يزيد بن زريع ثنا حجاج الصواف عن حنان عن أبي عثمان النهدي قال قال رسول الله إذا أعطي أحدكم الريحان فلا يرده فإنه خرج من الجنة

Абу Усмон ал-Наҳдийдан ривоят қилинади айтадиларки: Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи вассаллам айтдиларки: Агар бирортангизга райҳон берилса, уни қайтармасин, чунки у жаннатдан чиққандир.

**Изоҳ:** Лекин уламолар бу ҳадиснинг иснодини заиф. -дейдилар. Имом Термизий ўзлари ҳам бу ҳадисни “жомеъ” ларида ривоят қилиб, сўнг бу ҳадис гариб деган эканлар.

222 – حدثنا عمر بن إسماعيل بن مجالد بن سعيد الهمداني ثنا أبي عن بيان عن قيس بن أبي حازم عن جرير بن عبد الله قال عرضت بين يدي عمر بن الخطاب رضي الله عنه فألقى جرير رداءه ومشى في إزار فقال له خذ ردائل فقال عمر للقوم ما رأيت رجلاً أحسن صورة من جرير إلا ما بلغنا من صورة يوسف الصديق عليه السلام

Жарир ибн Абдуллоҳдан ривоят қилинади айтадилар: Умар розияллоҳу анҳунинг олдиларидан ўтдим, ровий айтадиларки: Жарир ридосини ечиб, изорнинг ўзида

юриб кета бошлайди, шунда Умар розияллоху анху қавмга қараб Юсуф алайҳиссаломнинг жамолларидан кейин Жарирдан кўра чиройлироқ кишини кўрмаганман.-дейдилар.

**Изоҳ:** Уламолар бу ҳадисни жуда заиф ҳадислар қаторига қўшиадилар. Аммо Юсуф алайҳиссаломнинг ҳуснларига келсак, Оллоҳ таоло у зотнинг ҳусн-жамолларини қуръон каримда хабар қилганлигига шак-шубҳа йўқ! Оллоҳ таоло у зотга Одам алайҳиссаломга ато этган ҳусннинг ярмини берган эди. Машумки Одам алайҳиссалом жсаннатдаги гўзал суратларида ерга тушиб, ўша ҳусн билан яшаб ўтган эдилар, жсаннатга кирадиган музъминлар ҳам, у зотнинг шакл ва ҳуснларидан бўлишларини Пайғамбар алайҳиссалом сахиҳ ҳадисларда хабар берганлар. Юсуф алайҳиссалом Миср диёрида бўлганларида хожаларининг хотини, у зотнинг ҳуснларига маҳлиё бўлиб, эрига хиёнат қилишига ҳаракат қиласди, лекин у зотни Оллоҳ таоло бу фитнадан асрани, кейин унинг шахридаги аёллар у аёлни хиёнаткор. -деб шов-шувлар тарқатадилар, шунда у аёл уларни уйига чақириб, ҳар бирларига пичоқ бериб, Юсуф алайҳиссаломни уларнинг олдиларига чиқаради, улар уни кўрган заҳотиёқ, унинг жамолига мафтун бўлиб, қўлларини тўргаб юборганларини сезмайдилар ва бу одам фарзанди эмас, балки фаршиштадир! -дейдилар. Юсуф алайҳиссалом ўн икки оға-ини бўлишиб, ҳаммалари ниҳоят даражада гўзал, қаддиқоматлари келишиган эдилар. Ибн Касир раҳимаҳуллоҳ айтадиларки: Яқуб алайҳиссалом фарзандларини Мисрга жўнатмоқчи бўлганларида, уларга ҳар бирингиз ҳокимнинг ҳузурига алоҳида эшикдан киринглар! деб насиҳат қиласди, бу насиҳатларидан мақсад уларни кўздан асраш бўлган эди, чунки шунча гўзал сарвиқомат кишилар ака-ука бўлиб, ҳаммалари бир одамнинг фарзанди эканликларини билган кишилар даҳшатга тушиб, кўзлари тегиши мумкин эди. Албатта бу Оллоҳ таолонинг фазли карамидир, у ҳоҳлаган бандасига ҳоҳлаганича неъматларини инъом этади. Бутун неъматлар ва тамомий борлиқ уницидир ва у ҳамма нарсага қодир зотдир.

### bab kif kan kalam rasooul allah [ و فيه ( 3 ) أحاديث ] ( 34 )

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг сўзлаш сифатларини баён этувчи боб. Имом Термизий бу бобда учта ҳадис ривоят қиласди.

223 - حدثنا حميد بن مسعدة البصري ثنا حميد بن الأسود عن أسامة بن زيد عن الزهرى عن عروة عن عائشة رضي الله تعالى عنها قالت ما كان رسول الله يسرد سردهم هذا ولكنه كان يتكلم بكلام بين فصل يحفظه من جلس إليه

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинишича айтган эканларки: Ресулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам сизлардек пайдар-пай сўзламас эдилар, балки у зотнинг сўзлари равшан, аниқ ва бир-бирига қўшилиб кетмас эди, сўзларига қулоқ солган киши, дарҳол уни ёдлаб оларди.

**Изоҳ:** Уламолар бу ҳадиснинг иснодини саҳиҳ дейдилар. Балки имом Бухорий ва имом Муслим “саҳиҳ”ларида шу ҳадисни бошқа ровийлар орқали ривоят қилган эканлар.

224 – حدثنا محمد بن يحيى ثنا أبو قتيبة سلم بن قتيبة عن عبد الله بن المثنى عن ثامة عن انس بن مالك قال  
كان رسول الله يعيد الكلمة ثلاثاً لتعقل عنه

Анас ибн Молик айтадиларки: Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам сўзлари тушунарли бўлиши учун бир сўзни уч бор тақрорлар эдилар.

**Изоҳ:** Бу ҳадиснинг иснодини ҳам уламолар саҳиҳ -дейдилар. Бошқа ҳадисларда Одамларга улар тушунадиган услубда гапиринглар! Одамлар Оллоҳ ва Росулини ёлғончи қилишиларини ҳоҳлайсизларми? –деб хутба қилгувчиларни ҳар бир кишини фахмига қарааб сўзлашларига буюрган эдилар.

225 – حدثنا سفيان بن وكيع أئبنا جمیع بن عمر بن عبد الرحمن العجلی قال حدثني من بنی قیم من ولد أبي هالة زوج خدیجۃ يکنی أبا عبد الله عن ابن لأبی هالة عن الحسن بن علي رضی الله تعالی عنہما قال سألت خالی هند بن أبي هالة وكان وصافا قلت صف لي منطق رسول الله قال كان رسول الله متواصل الأحزان دائم الفكرة ليست له راحة طویل السکت لا يتکلم في غير حاجة یفتح الكلام ويختتمه بأشداقه ويتکلم بجوامع الكلم کلامه فصل لا فضول ولا تقصیر ليس بالجافي ولا المھین یعظم النعمۃ وإن دقت لا یدم منها شيئاً غير انه لم يكن یدم ذوقاً ولا يمده ولا تفضیله الدنيا ولا ما كان لها فإذا تعدی الحق لم یقم لغضبه شيء حتى ینتصر له ولا یغصب لنفسه ولا ینتصر لها إذا أشار أشار بكفه كلها وإذا تعجب قلبها وإذا اتصل بها وضرب براحتة اليمين بطن إکمامه اليسرى وإذا غضب أعرض وأشاح وإذا فرح غض طرفه جل ضحکه التبسم یفتر عن مثل حب الغمام

Ҳасан ибн Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади айтадиларки: Тоғам Ҳинд ибн аби Ҳоладан сўрадим у зот Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг сифатларини кўп таърифлар эдилар. Айтдимки: Менга Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг сифатларидан айтиб берсангиз! У зот айтдиларки: Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам мудом маҳзун, узоқ фикрга чўмган, роҳат фароғатлари йўқ, узоқ сукут қилган, ҳожатсиз сўзламас, гапни лабнинг ўзи билан эмас, балки буткул оғиз билан сўзлар эдилар.- бошқа ривоятда эса Оллоҳнинг исми билан сўзларини бошлаб, унинг исми билан якунлар эдилар-деб келган экан. Ва гапирсалар лафзлари оз ва сермазмун бўлар эди. Сўзлари ғоятда равшан ва ҳожатдан ортиқ калима ҳам йўқ ва на камчилик бўларди. У зот бировларга жафони

раво кўрмас, ўзларини ҳам хорликка солмас эдилар. Неъматни қадрлар, гарчи оз бўлса ҳам ва у неъматлардан биронтасини айбламас эдилар. Шунинг учун уни ёмонламас ҳам эдилар ва мақтамас ҳам эдилар. Дунё ва дунёвий нарсалар учун аччиқланмас эдилар. Аммо ҳақиқат поймол бўладиган бўлса у зотнинг ғазаблари қаршисида бирор оёққа тура олмасди. Шахсий манфаатлари учун бирордан ўч олмаган эдилар. Агар ишора қилсалар комил кафтлари билан ишора қилар, агар ажаблансалар кафтларининг ичини тепага қилардирлар. Агар сўзласалар кафтларини ҳам ҳаракатга туширадилар, гоҳо ўнг қўлларининг кафтини чап қўлнинг бош бармоғига қўяр эдилар. Агар ғоят даражада ғазаблансалар ўзларини босиб олардилар. Агар хурсанд бўлсалар нигоҳларини қуи қилардилар ва аксар кулишлари табассум бўлар эди, шунда маржонсимон чиройли дўллардек тишлари кўриниб қоларди.

**Изоҳ:** Уламолар бу ҳадисни жуда ҳам заиф -деб ҳукм қиласидилар, лекин бунда келган сифатлар Пайгамбар алайҳиссаломнинг сифатларини айнан ўзгинасидир. Оллоҳ таоло барчаларимизни ҳақ йўлдан адаштирумасин!

وآخر دعوانا إن الحمد لله رب العلمين.